

# Мева-сабзавотчилик ривожланмоқда



Хусусан, бугун 1,5 гектар ер майдонида картошка экиш ишлари амалга оширилди. Ушбу жараёнга 15 нафар мавсумий ишчилар жалб этилган бўлиб, уларга кунлик ўртача 90 минг сўм миқдорида иш ҳақи тўланади.

Кластер раҳбари Ўрал Бердимуродов асосан, манзилдаги “Илҳом Замин даласи” фермер хўжалигида ғалла ва пахта етиштириш билан шуғулланиб келган. Фермер бу йил мева-сабзавотчилик соҳасида иш бошлади.

Ниятимиз, деҳқоннинг ишига ривож берсин ва ҳосил баракали бўлиб, бозорларимиз расталарини безаб турсин!